

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш бўйича

Шартнома

2

2022 йил 26 Январ.

Шоманай

“Ўзбекистон почтаси” АЖ номидан К/С филиали Низоми асосида иш юритувчи директор Ш. Шамолов матида «Етказиб берувчи» деб номланувчи бир томондан Шоманай МКФ номидан Ҳаснов асосида иш юритувчи Б. Атомурадова матида “Обуначи” деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи Обуначининг талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда чоп этиладиган, Етказиб берувчининг обуна каталогига киритилган даврий нашрларга (бундан буён товар) обуна расмийлаштириш ва етказиб бериш мажбуриятини олади, харидор бўлса товарни қабул қилиш ва ушбу шартнома шартларида назарда тутилган шартлар ва тартибда товар ҳамда етказиб бериш хизмати учун тўловларини (пул) тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу шартнома доирасида товар деганда даврий босма нашрлар - газета, журнал ёки доимий ном (ном), жорий рақамга эга бўлган ва йилига камида бир марта чоп этиладиган бошқа нашр тушунилади.

Етказиб бериш хизмати деганда даврий босма нашрлар - газета, журнал ёки доимий ном(ном), жорий рақамга эга бўлган ва йилига камида бир марта чоп этиладиган бошқа нашрларни Етказиб берувчи томонидан обуначи кўрсатган манзилга етказиб бериш хизмати тушунилади.

1.2. Ушбу шартнома бўйича товарлар ўлчов бирлиги сифатида календар ой ичида чиқадиган бир даврий нашрнинг товарлар партиясини тушунилади.

1.3. Товар ва хизматларнинг аниқ номи, нархи ва бошқа параметрлари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловадаги буюртманомага асосан белгиланади. Товарлар партиясининг нархи ушбу шартноманинг бутун муддати учун белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади.

1.4. Мазкур шартнома бўйича товарларни етказиб бериш муддати 26. 01. 2022 дан 31. 12. 2022 га.

1.5. Етказиб берувчи даврий нашр чоп этилган кундан бошлаб товарни харидорга қисқа вақт ичида етказиб бериш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

1.6. Шартнома бўйича ҳисобот даври 1 (бир) календар ой.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Товарни харидорга шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиб бериш.

2.1.2. Обуначига ҳисобот даврида етказиб берилган товар партиясини ва етказиб бериш хизмати учун ўрнатилган тартибда счёти-фактура тақдим қилиш.

2.1.3. Товарларни нашриёт томонидан белгиланган чиқиш даврийлигига мувофиқ етказиб бериш. Товарларни етказиб бериш етказиб берувчи томонидан иш кунлари амалга оширилади.

2.1.4. Товарни топшириш-қабул қилишда Обуначидан товарнинг миқдори ва сифати бўйича фарқ ҳақида далолатнома тақдим қилинганда, етказиб берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда харидорнинг талабларини бажариш.

2.1.5. Ҳисобот ойна давомида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ товарларни ўрнатилган тартибда етказиб берилиши билан боғлиқ харидорнинг талабларини бажариш.

2.1.6. Харидор томондан нуқсонли ёки яроқсиз товарни алмаштириб бериш талаб қилинганда, сўров тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида алмаштириш.

2.2. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини сифатли бажариш мақсадида шартнома билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва бошқа маълумотларни обуначидан оғзаки ёки ёзма кўринишда олиш.

2.3. Обуначининг мажбуриятлари:

2.3.1. Етказиб берилган товарни қабул қилиш ёки қабул қилишдан бош тортиши сабабларини 2 кун ичида асослаш.

2.3.2. Мазкур шартнома шартларига мувофик товар ва етказиб бериш хизматлари учун амалга ошириш.

2.3.3. Товар обуначининг почта кутисига етказиб берилиши лозим бўлган тақдирда, берувчига обуначи почта кутисининг рақами ва жойлашган жойини маълум қилиш.

2.4. Обуначининг ҳуқуқлари:

2.4.1. Товарларни қабул қилиб олгандан сўнг, нуқсонлар аниқланган тақдирда ўзининг хоҳиши кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- буюртманинг нарҳини нуқсонли товар нарҳига мутаносиб равишда камайтириш;
- худди шундай, лекин нуқсонсиз товар билан алмаштириш;
- нуқсонли товар учун тўланган маблағларни қайтариб олиш;

Ушбу талаблар харидорнинг тегишли талабномаси берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай бажарилади.

2.4.4. Товарлар етказиб берилмаган тақдирда, обуначи қуйидагилардан бирини танлаш ҳуқуқига эга:

а) янги етказиб бериш санасини белгилаш;

б) нуқсонли товар учун тўланган маблағларни қайтариб олишни талаб қилиш.

Бу талаблар харидорнинг тегишли талабномаси берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай бажарилади.

3. ШАРТНОМА НАРХИ, ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси буюртманомага мувофик
1222299 Бир миллион ёки шунга тенг маблағ ёки
(якни ёки шунга тенг маблағ) сўм, шу жумладан ҚҚС сўм.

3.2. Товар нарҳи ва етказиб бериш хизмати етказиб берувчи томонидан белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади ҳамда ушбу шартноманинг амал қилиш даврида ўзгартирилмайди.

3.3. Обуначи Етказиб берувчига тўловларни қуйидаги тартибда амалга оширади:

- Шартнома умумий суммасининг 15% миқдоридаги аванс тўлови ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб _____ иш куни мобайнида, қолган тўлов миқдори ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 2-иловасида кўрсатилган жадвалга асосан етказиб берувчининг банк ҳисоб рақамига белгиланган муддатларда ўтказиб берилади.

3.4. Обуначи ва етказиб берувчи ўртасидаги барча тўловлар банк ҳисоб рақамга пул ўтказиш ёки банк пластик картаси орқали Ўзбекистон Республикаси "сўм"ида амалга оширилади.

3.5. Ҳисобварақ-фактуралар етказиб берувчи томонидан Обуначига ҳисоб-китоблар учун амалда белгиланган тартиб-қоида ва муддатларда тақдим этилади.

3.6. Томонлар шартноманинг охириги кунини икки томон учун мажбурий бўлган ўзаро солиштирма далолатнома тузиш тўғрисида келишиб олдилар.

3.7. Мазкур шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоб тартиби етказиб берувчига тижорат кредити бериш ёки етказиб берувчидан қонуний ёки бошқа фоизаларни олиш учун асос бўлмайди.

4. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Товар етказиб берувчи томонидан тақдим этилган, ҳудудий (таркибий) корхоналари (бўлинмалари) рўйхати иловасига асосан қуйидаги манзиллардан бири бўйича етказиб берилади:

- Обуначи томонидан белгиланган почта кутисига;

- _____ манзилга, агар ушбу манзилда обуначи томонидан қабул қилиб олувчи мавжуд бўлмаса, товарлар ушбу кўрсатилган манзилдаги бинода жойлашган почта кутисига ёки кириш эшиги олдида қолдирилади.

- Обуначи ўзи олиб кетиш шarti билан _____ манзилга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимига.

4.2. Товарни етказиб бериш усули харидор томонидан шартнома тузилган вақтда белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади.

4.3. Товарни етказиб бериш етказиб берувчи томонидан ёки етказиб берувчи номидан учинчи шахслар томонидан амалга оширилади. Танланган етказиб бериш усули бўйича етказиб бериш харажатлари товар баҳосига киритилмайди.

4.4. Етказиб берувчи товарни нашриётдан ёки товар чиқарадиган бошқа шахедан олинган пайтдан бошлаб даврий нашрларнинг чоп этилиш частотасини ҳисобга олган ҳолда харидорга етказиб беради.

4.5. Ҳисобот оyi охирида етказиб берувчи обуначига календар оyi давомида етказиб берилган товар партияси учун счет-фактура юборади.

4.6. Етказиб берувчи белгиланган ҳужжатларни обуначига ҳисобот оyiдан кейинги оyнинг 15-кунидан кечиктирмасдан тақдим этади.

4.7. Икки иш куни ичида Обуначи етказиб берувчи томонидан юритилган ҳужжатларини кўриб чиқади ва етказиб берилган товарлар миқдори бўйича эътироз бўлмаса, ўрнатилган тартибда расмийлаштиради ва етказиб берувчига қайтаради. Етказиб берилган товарнинг миқдори ёки сифатига эътироз бўлса, харидор ҳужжатларга имзо чекишдан бош тортишга ва аниқланган номуаносибликлар тўғрисида далолатнома тузишга ҳақли. Агар обуначидан белгиланган муддатда асосли эътирозлар билдирилмаса, ҳисобот оyi учун маҳсулот харидор томонидан изохсиз қабул қилинган деб ҳисобланади.

4.8. Агар обуначи белгиланган муддатда етказиб берувчига ёзма талабнома тақдим қилмаган бўлса, етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни имзоланишдан бош тортишга ҳақли эмас.

4.9. Тасодифий йўқотиш ёки маҳсулотга зарар етказиш ҳавфининг Обуначига ўтказилиши товарни етказиб бериш усули бўйича харидорга етказиб бериш вақтида содир бўлади. Товарга бўлган эгалик ҳуқуқини харидорга ўтказилиши счет фактура имзоланган пайтдан бошлаб содир бўлади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ҚАДОҚЛАШ

5.1. Маҳсулот етказиб бериладиган ва етказиб бериладиган қадоклаш маҳсулоти ишлаб чиқарувчи нашриёт томонидан белгиланади ва амалга оширилади.

5.2. Томонлар Обуначига топширилган товардан мақсадга мувофиқ фойдалана олмасликка олиб келган яққол нуқсонларга эга бўлган ҳолларни товарларни қадоклаш шартлари бузилиши деб ҳисоблашга қилишиб олдилар.

6. МАҲФИЙЛИК

6.1. Тарафлар битимни бажариш чоғида муайян ахборотнинг махфий хусусиятини бошқа томонга мажбурий хабардор қилган ҳолда бир томонлама аниқлашга ҳақли.

6.2. Тарафлар бошқа тарафнинг олдиндан ёзма розилигисиз бошқа тарафнинг қилишувига биноан олинган маълумотларни ошкор қилмаслиги, учинчи шахсларга ўтказиши ёки ўз мақсадлари учун фойдаланиши мумкин эмас.

6.3. Махфий деб таснифланган вақтда у аллақачон учинчи шахслар ёки оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилган ёки очикланган тақдирда, томонлар жавобгар бўлмайди.

6.4. Ушбу бўлимда белгиланган шартлар шартнома муддати давомида ҳам, келинув бекор қилинган кундан бошлаб 3 (уч) йил мобайнида ҳам томонлар учун ҳар қандай сабабга кўра мажбурийдир.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ жавобгардирлар.

7.2. Етказиб берувчи даврий нашрларни чиқиш тўхтатилиши ёки вақтинча тўхтатиб турилиши, кечикиши, шунингдек тахририят томонидан бир томонлама даврий нашрларнинг чиқиш даврийлиги ўзгарганлиги, белгиланган муддатда чиқарилмаслиги ва сони ёки сифат таснифлари ўзгартирилганлиги билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш имконсиз бўлган ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди.

7.3. Етказиб берувчи товарнинг мазмуни, шакли ёки бошқа мазмуни учун обуначи олдида жавобгар эмас.

7.4. Товар параметрлари (шакл, мазмун, даврий нашрларнинг чиқиш даврийлиги ёки маҳсулот чиқариш кечиктириш) ўзгарганда, Обуначи бевосита тахририятга ёки даврий нашрларни чиқараётган шахсга даъво қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартноманинг 3.3-бандига мувофиқ, обуначининг товар учун мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан, бундай хатти-ҳаракат содир ҳолларда, Етказиб берувчи товар етказиб бериш шартларини бузганлиги учун жавобгар бўлмайди.

7.6. Етказиб берувчи обуначининг даврий нашрлари олинмаганлиги ёки тўлиқ олмаганлиги учун жавобгардир ва 30 кун ичида обуначи томонидан қабул қилинмаган маҳсулотни етказиб бериш бўйича обуначининг ҳуқуқий талабларини бартараф этади.

7.7. Ушбу шартноманинг 7.6-бандига мувофиқ, етказиб берувчининг товар етказиб бериш талабларини бузганлиги билан боғлиқ даъволари Обуначи томонидан товар етказиб берилган календар ой ичида тақдим этилиши керак. Бундай даъволар бўлмаган тақдирда, календар ойининг охирида етказиб берувчи Обуначининг ҳисобот даврида товар етказиб бериш тартибини бузиш билан боғлиқ даъволарини қабул қилмайди ва жавобгарликдан озод қилинади.

7.8. Тўлов шартлари. 2 иловада белгиланган муддатларда тўлаб бермаганлиги учун обуначи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бунда Етказиб берувчи белгиланган тўловлар амалга оширилгунга қадар даврий нашрларнинг етказиб берилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

Шартнома умумий суммасининг 15% миқдоридаги аванс тўлови белгиланган муддатда тўлаб берилмаган тақдирда, Етказиб берувчи ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

7.9. Агар томонлардан бири ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги иккинчи томоннинг айби туфайли содир этилганлигини исботласа, жавобгарликдан озод этилади.

7.10 Обуначи томонидан нашрларни етказиб бериш манзиллари, телефон рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, етказиб берилмаган нашрлар учун етказиб берувчи жавобгар бўлмайди. Обуначининг манзили ўзгарган тақдирда, обуначи етказиб берувчига ёзма равишда хабар бериши шарт.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Томонлар ўз ихтиёрларида бўлмаган форс-мажор ҳолати, яъни зилзила, сув тошқини, ёнғин, табиий офатлар, эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар, ҳукуматнинг айрим фаолият турини таъқиқловчи қарорлари сабабли шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Бунда, ўзига нисбатан форс-мажор ҳолати юзага келган томон иккинчи томонни 24 соат ичида ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Шартномани бажариш муддати, томонлар келишувига кўра форс-мажор ҳолати муддатига узайтирилиши ёки шартнома бекор қилиниши мумкин.

9. ШАРТНОМА МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан кейин кучга киради ва _____ 20 _____ гача ва ҳисоб-китоблар жиҳатидан, уларнинг тўлиқ амалга оширилгунга қадар амал қилади. Шартноманинг бекор қилиниши томонларнинг шартнома бекор қилингунга қадар шартнома бўйича юзага келган мажбуриятларининг бекор қилилишига сабаб бўлмайди.

10.2. Шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда амалга оширилиб, ҳар икки томон томонидан имзоланган тақдирда амал қилади. Томонларнинг тегишли қўшимча келишувлари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Томонлар шартномани бутунлай бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

10.4. Шартномани бир томонлама бекор қилиш, бир томон иккинчи томонга ёзма хабарнома юбориши йўли билан амалга оширилиши лозим. Агар хабарномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, шартнома ушбу хабарнома олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кундан кейин бекор қилинади.

10.5. Тарафлар шартномадан қисман бир томонлама воз кечишга ҳақли эмас.

10.6. Шартномага ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилиб, тарафларнинг тегишлича ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади. Бу ҳолда тарафларнинг ваколатли вакиллари тегишли тарафнинг Ўстави (бошқа таъсис ҳужжати) асосида ҳаракат қилувчи шахслар, шунингдек ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи шахслар ҳисобланади.

10.7. Томонлар келишувни имзолагандан сўнг, у бўйича барча дастлабки музокаралар, ёзишмалар ва дастлабки келишувлар юридик кучга эга бўлмайди.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартнома бандларини бажариш юзасидан келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, томонлар уларни музокара йўли билан ҳал этишни зиммаларига оладилар. Шунда умумий ечимга келишнинг имконияти бўлмаса, масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Тошкент шаҳар хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

11. БОШҚА ҚОИДА ВА ШАРТЛАР

11.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада, тарафларнинг ҳар бири учун биттадан оддий ёзма шаклда тузилади.

11.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқарилади ва шарҳланади. Шартномада кўрсатилмаган муносабатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланади.

11.3. Агар томонлардан бири почта, алоқа ва/ёки тўлов реквизитларини ўзгартирса ёки қайта ташкил этиш ёхуд тугатилиши лозим бўлса, иккинчи томонни ушбу ўзгаришлар кучга кирган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт (қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳолатида тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида). Тарафлардан бирининг ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятнинг бошқа тараф томонидан бажарилмаслиги билан боғлиқ зарарлари айбдор шахс томонидан қопланади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”

“O‘zbekiston pochta” АЖ
“Matbuot tarqatish” филиали

Манзил: шоманай,

Х/р: 2261 2000 6001 5526 6236

АТ “Агробанк”нинг
Шоманай болими
МФО: 00590; ИНН: 200 833 833
ОКЭД: 53100

Телефонлар:

Обуна бўлими:

Бухгалтерия:

Шартнома бўлими:

Иктисод бўлими/Факс:

Е-mail:

Веб-сайт:

Директор

/ Ш.Жамалов

“ОБУНАЧИ”

Манзил: Шоманай АЖ

Матбуот бўли

Н/г: 2340200030010000010

100022860352437082102134002

Матбуот бўлими г. Тошкент

МФО: 00014

ИНН: 300415640 МФН: 201122919

ОКЭД: 93100

Телефонлар: 35102-14-06

Факс

Е-манл:

Веб-сайт:

Б. Атамурадова

Б. Атамурадова



Б. Алимов

2022 йил 20 - Июль даги 2-сонли даврий
нашрларга обуна
қилиш ва етказиб
бериш бўйича
шартномага 1-илова

Буюртманома

№	Товар, хизмат номи	Етказиб бериш манзили	Бир комплект нархи	Комплектлар сони								Жами копмле ктлар сони	Сумма си	ККС ставка си	ККС сумма си	ККС билан нархи
				Ян в.	Фе в.	Ма рт	Ал р.	Ма й	Июн	Июл	Авг.	Сентяб.	Октябрь	Ноябрь	Дек.	
1.	Эркин Корал-и, Шоманай, МК		532 347				✓	✓	✓	✓	✓	✓	532 347			
2.	Халқ Сўзи, Шоманай, МК		437 340	-	✓	✓	✓	✓	✓	✓		1	437 340			
3.	Шифониё, 44 Шои, МК		146 418				✓	✓	✓	✓	✓	1	146 418			
4.	Қўрғон, 44 Шои, МК		106 194				✓	✓	✓	✓	✓	1	106 194			
Жами													1222 299			

Етказиб берувчи:

Алишер Х. Аюбалиев

(Имзо)



(ФИШ)

Обуначи:



(Имзо)

(ФИШ)